

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУРОТОВ НУРШОД ФАРХОДОВИЧ

**ҲОМИЛАДОР ВА ЭМИЗИКЛИ АЁЛЛАР ИММУН СТАТУСНИ
БАҲОЛАШГА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Муротов Нуршод Фарходович

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини
баҳолашга табақалаштирилган ёндашув 3

Муротов Нуршод Фарходович

Дифференцированный подход к оценке иммунного
статуса у беременных и кормящих женщин 25

Murotov Nurshod Farkhodovich

“A differentiated approach to assessing the immune
status in pregnant and lactating women 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУРОТОВ НУРШОД ФАРХОДОВИЧ

**ХОМИЛАДОР ВА ЭМИЗИКЛИ АЁЛЛАР ИММУН СТАТУСИНИ
БАҲОЛАШГА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3432 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Эргашев Вали Алимович тиббиёт фанлари доктори (DSc)
Расмий оппонентлар	Суяров Акрам Амиркулович тиббиёт фанлари доктори Ахмедова Халида Юлдашевна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот	Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти хузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunology@academy.uz).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У. Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА
Академиги

Х.М. Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.А. Исмаилова

Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда репродуктив ёшидаги ҳомиладор ва туғруқдан кейинги эмизикли даврида аёллар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар қандай давлатда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу даврда юзага келадиган патологик ҳолатларни ривожланишини башоратлаш, олдини олиш, уни эрта босқичда ташхислашга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Баъзи муаллифлар берган маълумотларга кўра, «...ҳомиладор аёлларда иммун тизимига боғлиқ патология олди ва патологик ҳолатлар ривожланиш даражаси 1,25 мартага ортган, бу ҳолатнинг аёлнинг эмизикли даврида ҳам камайиш тенденцияси кузатилмаяпти»¹. Физиологик кечаётган ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги эмизикли даврида гормонал ва иммунологик ўзгаришлар ҳамда организмда вужудга келиши мумкин бўлган ҳар хил патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, оқибатларини башоратлаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги эмизикли даврида организмда вужудга келиши мумкин бўлган ҳар хил патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, прогнозлаш ва олиб боришни оптималлаштириш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада репродуктив ёшдаги аёлларда иммун тизим фаолиятини ҳомиладорлик триместрларига мос ўзгаришини аниқлаш, «она-ҳомила» тизимидаги иммунологик ўзгаришлар аниқлаш, ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги эмизикли даврида анемия ҳолати келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш, эндокрин касалликлар келиб чиқиши ва ривожланиш хавфи омилларини аниқлаш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги эмизикли давридаги патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқиш ҳамда керакли профилактик тадбирларини белгилаш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳомиладор ва эмизикли аёллар орасида турли юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни эрта ташхислаш, комплекс даволаш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, ҳомиладор

¹Джаббарова Ю.К., Исмоилова Ш.Т., Мусаходжаева Д.А. Значение цитокинов в патогенезе преэклампсии у беременных с железодефицитной анемией // Журнал акушерства и женских болезней. - Санкт-Петербург, 2019. - Том 68. - № 5. - С.37-44.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

ва эмизикли аёлларда иммун тизим фаолиятини ҳар томонлама аниқлаш ва даволашга янги ёндошувлар ишлаб чиқиш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиётстратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳомиладорлик давридаги иммунологик ўзгаришларни ҳаққоний баҳолаш улар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш учун имконият яратади. Нормал ҳомиладорлик даврида физиологик, гормонал ва иммунологик мослашув инфекция хавфига қандай таъсир қилиши ва асоратларини тушунишнинг мураккаблигини очиб беради. Она-ҳомила интерфейсидаги асосий мослашувлар муҳим жараён эканлигини ифодалайди (Халимова Ф.Т. ва ҳаммуал., 2019; Baturin V.A., Boshyan R.O., 2018). Онанинг антителолари янги туғилган чақалоқни туғулгандан сўнг дарҳол ҳимоя қиладиган онанинг асосий иммунитет компоненти ҳисобланади (Доброхотова Ю.Э., Бахарева И.В., 2016; Muzzio D. et al., 2013). Ота антигенларига қарши қаратилган онанинг цитотоксик бўлмаган антителолари I-триместрда нормал ҳомиладорликни бошдан кечираётган аёлларнинг кўпчилигида аниқланган, абортга учраган аёлларнинг аксариятида улар кезатилмаган. Бу ушбу антителоларнинг муваффақиятли ҳомиладорлик учун муҳим бўлиши мумкинлигини кўрсатган.

Физиологик ҳомиладорлик супрессор хужайралар иммун реактивлиги пасайишини ўз ичига олади ва аниқ носпесифик Т-хужайра бостирилиши кузатилади, ҳомиладорлик даври 8-32 ҳафтаси ичида регуляция қилинадиган иммуносупрессия ҳомиладорликнинг меъёрида кечиши ва ҳомиланинг омон қолишини таъминлайди. Ҳомиладорликнинг кеч даврида ва туғишга тайёргарлик жараёнида иммунорегуляциянинг ёрдамчи механизмлари устунлик қилади. Она организми иммун ҳолати ҳомилани юқумли

касалликлардан ҳимоя қилувчи омиллар билан таъминлаб, пассив иммунитетни келтириб чиқаради. Она иммуноглобулинлари ҳомила ўсишини рағбатлантириш қобилиятига эга (Мусаходжаева Д.А. ва ҳаммуал., 2021; Каландарова А.Н. ва ҳаммуал., 2022; Abu-Raya E. et al., 2020).

Халимова Ф.Т. ва ҳаммуал. (2015) фертил ёшидаги аёллар иммун тизими ҳолати этник хусусият, иқлим ва географик яшаш шароитларига боғлиқлигини аниқлашган. РФ ва Тожикистон аёллари иммун тизимини қиёсий ўрганиш тожик аёлларида CD19+-лимфоцитлар, IgG минтақавий қийматлари юқори, IgA паст бўлганини кўрсатган. Ушбу кўрсаткичлар РФ ва тожик аёлларида репродуктив дисфункция учун хавф гуруҳини шакллантиришининг прогностик мезонлари сифатида ҳисобланиши кераклиги аниқланган. Нуралиев Н.А., Мустафаева Ф.А. лар (2020) ўткир ва сурункали кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида (КЧАЯК) хужайравий ва гуморал иммунитетнинг пасайиши, яллиғланишга хос ва унга қарши цитокинларнинг турли йўналишларда ўзгаришларини аниқлашган, бу иккиламчи иммунодефицит ривожланганини кўрсатишган. Иммун тизими кўрсаткичлари ушбу патология якуни ва иммунокоррекция самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи прогностик мезонлар сифатида тавсия этилган.

Муаммо бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажарилган бўлса ҳам, аммо улар тарқоқ, масалага мажмуавий ёндошиш кузатилмаган, «ҳомиладор-туққан-эмизикли аёл» тизимида иммун тизимга боғлиқ касалликлар қиёсий ўрганилмаган, географик яшаш шароитларига мос диагностик ва прогностик мезонлар тавсия этилмаган, шу боисдан ушбу мавзу бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишлари ўз долзарблиги ва заруратини йўқотгани йўқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №05.2022 PhD 143-сонли «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ туманларида доимо истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини динамикада ўзгаришларини аниқлаш;

қишлоқ туманларида доимий яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусида турли патологик ҳолатларда шаклланган иккиламчи иммунтанқислик ҳолатини аниқлаш;

қишлоқ туманларида доимий яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун тизими гуморал бўғини кўрсаткичлари ҳамда цитокинлар миқдорини қиёсий баҳолаш ва улар орасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш;

қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолашга табақалаштирилган ёндошув ҳамда ҳомиладорлик ва эмизикли давр якуни истиқболини белгиловчи иммунологик мезонлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти қишлоқ туманларида доимий яшовчи ҳомиладорликнинг III-триместри ва эмизикли даврида бўлган 145 нафар фертил ёшдаги (19-49 ёш) аёллар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳомиладор ва эмизикли аёллар вена қони ва қон зардоби иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда иммунологик, гематологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор қишлоқ худудида яшовчи ҳомиладорларда аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолати иммун тизими махсус бўлмаган омиллари дисбаланси, комплементнинг C3 компоненти ва прокальцитонин ортиши фонида лактоферрин миқдорининг ишонарли пасайиши ҳолатида ривожланиши исботланган;

илк бор қишлоқ худудида яшовчи эмизикли аёлларда аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолати иммун тизими махсус бўлмаган омиллари дисбалансининг интенсивлиги ҳомиладорлардан юқорилиги, комплементнинг C3 компоненти ва прокальцитонин миқдори соғлом эмизикли аёлларга нисбатан ишонарли ортиши фонида лактоферрин миқдорининг ишонарли пасайиши аниқланган;

илк бор ҳомиладор ва эмизикли аёлларда аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолатида иммун тизимида яллиғланиш жараёни фаоллашуви сабабли яллиғланишга ҳос (IL-1 β , IL-6) ва қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдорининг ортиши билан кечиши, эмизикли аёлларда цитокинлар миқдори ҳомиладорларга нисбатан ишонарли юқори бўлиши аниқланган;

ҳомиладор ва эмизикли аёлларда турли даражадаги анемия, АИТ шаклланиши, ривожланиши ва истиқболини белгилашда иммунитетнинг махсус бўлмаган резистентлик омиллари (C3C, лактоферрин, прокальцитонин) дисбаланси, гуморал омиллар (IgE) ва цитокинлар (IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10) миқдорининг ўзгариши ташхисловчи ва башоратловчи мезонлари эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия ва аутоиммун тиреоидитни ташхислашда гуморал тизим кўрсаткичлари (IgE, IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10) миқдори ўзгаришларини аниқлаш тавсия этилган;

ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия ва аутоиммун тиреоидитни ташхислашда комплементнинг C3 компоненти, лактоферрин, прокальцитонин миқдорини аниқлаш асосланган;

ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия, аутоиммун тиреоидит шаклланиши, ривожланиши ва истиқболини ташхисловчи ва башоратловчи мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, ҳомиладор ва эмизикли аёллар сонининг етарли эканлиги, клиник-лаборатор, иммунологик, ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш натижасида қишлоқ ҳудудида яшовчи ҳомиладорлар ва эмизикли аёлларда аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолати иммун тизими махсус бўлмаган омиллари дисбаланси, яъни комплементнинг C3 компоненти ва прокальцитонин ортиши фонида лактоферрин миқдорининг ишонарли пасайиши ҳолатида ривожланиши исботланганлиги, иммун тизимида яллиғланиш жараёни фаоллашуви сабабли гуморал омил (IgE), яллиғланишга хос (IL-1 β , IL-6) ва қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдорининг ортиши билан кечиши аниқланганлиги касаллик патогенезининг янги жиҳатларини очиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия ва аутоиммун тиреоидитни ташхислашда гуморал тизим курсаткичлари (IgE, IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10) миқдори ўзгаришларини аниқлаш тавсия этилганлиги, комплементнинг C3 компоненти, лактоферрин, прокальцитонин миқдорини аниқлаш асосланганлиги ва турли даражадаги анемия, аутоиммун тиреоидит шаклланиши, ривожланиши ва истиқболини ташхисловчи ва башоратловчи мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилиги: илк бор қишлоқ ҳудудида яшовчи ҳомиладорларда аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолати иммун тизими махсус бўлмаган омиллари дисбаланси, комплементнинг C3 компоненти ва прокальцитонин ортиши фонида лактоферрин миқдорининг ишонарли пасайиши ҳолатида ривожланиши исботланганлиги бўйича «Қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 24-январдаги №24-м/008 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур тақлиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро филиали бўйича 28.06.2024 йилдаги 46-сонли, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 29.06.2024 йилдаги 75-сонли, Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 08.02.2024 йилдаги 01/152-сонли ва Бухоро вилояти

Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.02.2024 йилдаги 01/441-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 8-июлдаги № 02/26 сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташҳислаш, ўз навбатида аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолатларини олдини олиш ва даволаш тактикасини танлаш, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро филиали, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро вилояти Пешку ва Ромитан туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши кишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усулида бир аёлга нисбатан сарфланган маблағнинг 145000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса*: кишлоқ ҳудудида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия ва аутоиммун тиреоидитни ташҳислашда гуморал тизим курсаткичлари (IgE, IL-1β, IL-4, IL-6, IL-10) миқдори ҳамда комплементнинг C3 компоненти, лактоферрин, прокальцитонин миқдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

иккинчи илмий янгиллиги: илк бор кишлоқ ҳудудида яшовчи эмизикли аёлларда аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолати иммун тизими махсус бўлмаган омиллари дисбалансининг интенсивлиги ҳомиладорлардан юқорилиги, комплементнинг C3 компоненти ва прокальцитонин миқдори соғлом эмизикли аёлларга нисбатан ишонарли ортиши фонида лактоферрин миқдорининг ишонарли пасайиши аниқланганлиги бўйича «Кишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 24-январдаги №24-м/008 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро филиали бўйича 28.06.2024 йилдаги 46-сонли, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 29.06.2024 йилдаги 75-сонли, Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 08.02.2024 йилдаги 01/152-сонли ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.02.2024 йилдаги 01/441-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 8-июлдаги № 02/26 сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги*: олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташҳислаш, ўз навбатида аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолатларини олдини олиш ва даволаш тактикасини танлаш, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг

Бухоро филиали, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро вилояти Пешку ва Ромитан туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усулида бир аёлга нисбатан сарфланган маблағнинг 145000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* қишлоқ ҳудудида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия ва аутоиммун тиреоидитни ташхислашда гуморал тизим курсаткичлари (IgE, IL-1β, IL-4, IL-6, IL-10) миқдори ҳамда комплементнинг C3 компоненти, лактоферрин, прокальцитонин миқдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

учинчи илмий янгилиги: илк бор ҳомиладор ва эмизикли аёлларда аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолатида иммун тизимида яллиғланиш жараёни фаоллашуви сабабли яллиғланишга хос (IL-1β, IL-6) ва қарши (IL-4, IL-10) цитокинлар миқдорининг ортиши билан кечиши, аммо эмизикли аёлларда цитокинлар миқдори ҳомиладорларга нисбатан ишонарли юқори бўлиши аниқланганлиги бўйича «Қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 24-январдаги №24-м/008 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро филиали бўйича 28.06.2024 йилдаги 46-сонли, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 29.06.2024 йилдаги 75-сонли, Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 08.02.2024 йилдаги 01/152-сонли ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.02.2024 йилдаги 01/441-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 8-июлдаги № 02/26 сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, ўз навбатида аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолатларини олдини олиш ва даволаш тактикасини танлаш, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро филиали, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро вилояти Пешку ва Ромитан туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усулида бир аёлга нисбатан сарфланган маблағнинг 145000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* қишлоқ ҳудудида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия ва аутоиммун тиреоидитни ташхислашда гуморал тизим курсаткичлари (IgE, IL-1β, IL-4, IL-6, IL-10) миқдори ҳамда комплементнинг C3 компоненти, лактоферрин, прокальцитонин миқдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

тўртинчи илмий янгилиги: ҳомиладор ва эмизикли аёлларда турли даражадаги анемия, АИТ шаклланиши, ривожланиши ва истикболини белгилашда иммунитетнинг махсус бўлмаган резистентлик омиллари (СЗС, лактоферрин, прокальцитонин) дисбаланси, гуморал омиллар (IgE) ва цитокинлар (IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10) миқдорининг ўзгариши ташхисловчи ва башоратловчи мезонлари эканлиги исботланганлиги бўйича «Қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти экспертлар кенгашининг 2024-йил 24-январдаги №24-м/008 сонли хулосаси) билан тасдиқланган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро филиали бўйича 28.06.2024 йилдаги 46-сонли, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси бўйича 29.06.2024 йилдаги 75-сонли, Бухоро вилояти Пешку тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 08.02.2024 йилдаги 01/152-сонли ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси бўйича 10.02.2024 йилдаги 01/441-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 8-июлдаги № 02/26 сонли маълумотномаси); *ижтимоий самарадорлиги:* олинган натижалар касалликни ўз вақтида аниқлаш, клиник-иммунологик ташхислаш, ўз навбатида аутоиммун тиреоидит ва I-II-даражали анемия ҳолатларини олдини олиш ва даволаш тактикасини танлаш, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасасининг Бухоро филиали, Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро вилояти Пешку ва Ромитан туманлари тиббиёт бирлашмалари амалий фаолиятларига жорий этилиши қишлоқ туманларида доимий истиқомат қилувчи фертил ёшдаги аёллар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолаш усулида бир аёлга нисбатан сарфланган маблағнинг 145 000 сўмгача тежалиши асосланган. *Хулоса:* қишлоқ ҳудудида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллардаги турли даражадаги анемия ва аутоиммун тиреоидитни ташхислашда гуморал тизим курсаткичлари (IgE, IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10) миқдори ҳамда комплементнинг СЗ компоненти, лактоферрин, прокальцитонин миқдорлари ўзгаришларига боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган илмий-тадқиқот иши долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, шу тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган илмий натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалий соғлиқни сақлашга жорий қилинганлиги, чоп этилган ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ туманларида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёлларда резистентлик омилларининг қиёсий параметрлари: илмий манбалар шарҳи»** деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича илмий манбалар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда ватандош ва хорижий тадқиқотчилар эълон қилган илмий манбаларда келтирилган ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун тизими ҳолати ва унинг шаклланиш механизмлари тавсифи, патологик ҳолатлар кузатилган шу контингент иммун тизими ҳолати тавсифи, уларда темир танқислиги анемияси ва аутоиммун тиреоидит учраш даражаси, хусусиятлари батафсил келтирилган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ туманларида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини ўрганиш бўйича тадқиқот дизайни, материали ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ишни бажариш жараёнида фойдаланилган материал ва усуллар баён қилинган.

Тадқиқот объекти сифатида Бухоро вилояти Пешку туманида доимий истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар танланган. Ушбу ҳудудда яшовчи барча аёллар рўйхатга олиниб, уларнинг 20% и тадқиқотларга жалб қилинган. Ҳомиладорлар ҳомиладорликнинг охири босқичида (38-42 ҳафта) бўлишган. Илмий-тадқиқот ишига жалб қилинган 145 нафар аёллар фертил ёшда бўлиб (19-49 ёш), Бухоро вилояти Пешку тумани Қучоқ, Чибоғони, Ўғлон, Боғимусо, Саройча, Садир маҳалла фуқаролар йиғинларида доимий истиқомат қилишган. Улар 2 марта - ҳомиладорлик даврининг 38-40 ҳафтасида ва эмизикли даврда туққандан 40-45 кун ўтгач, ўтказилган.

Ўрганилган аёллар ёш бўйича қуйидагича тақсимланган: 21-25 ёш - 71 нафар (49,0±4,2%), 26-30 ёш - 38 нафар (26,2±3,7%), 31-35 ёш - 27 нафар (18,6±3,2%), 36-40 ёш - 9 нафар (6,2±1,9%). Кўриниб турибдики, 30 ёшгача бўлган ҳомиладорлар кўпчилики (75,2%) ташкил этишган.

Ўрганилган контингентнинг асосий қисмини уй бекалари ташкил этган (74,48±32,%, n=108), кейинги ўринларда хизматчилар (11,72±2,67%, n=17), вақтинча ишламайдиганлар (3,44±1,51%), фермер хўжалиги ишчилари (1,38±0,91%, n=2) ва талабалар (5,52±1,90%, n=5) бўлишган. Ушбу ҳолатлар танланган ҳудуднинг типик қишлоқ жойи эканлигини яна бир бор исботлаган.

Тадқиқотларга жалб қилинган ҳомиладор ва эмизикли аёлларнинг ўқимишлилик даражаси ҳам аниқланган, чунки бу ҳолат уларнинг тиббий маданияти билан узвий боғлиқ. Аниқланишича, уларнинг 20 нафари

(13,8±2,86%) олий маълумотли бўлиб, худди шунчаси ўрта-махсус маълумотли (13,8±2,86% n=20), кўпчилиги (72,4±3,71%, n=105) эса ўрта маълумотга эга бўлишган.

Ҳомиладорлик ушбу аёлларда турлича кечган, уларнинг 127 нафариди (87,59±2,74%) ҳомиладорликнинг I-триместрида, 5 нафариди (3,45±1,52%) ҳомиладорликнинг II-триместрида токсикоз кузатилган, 13 нафар (8,96±2,37%) аёлларда шу ҳомиладорлик таксикозсиз кечган. Ушбу ҳолат ҳомиладор аёл ҳолатига ва ҳомиладорлик кечишига жиддий салбий таъсир кўрсатмаган. Ҳомиладор аёлларда кўп учраган касалликлар турли даражадаги анемиялар (97,93±1,18%, n=142) бўлган.

Клиник-иммунологик тадқиқотларни амалга ошириш жараёнида Жаҳон Тиббиёт Ассоциациясининг 1964 йилда қабул қилинган Хельсинки Декларацияси (охирги тўлдириш 2013 йил Форталезада Жаҳон Тиббиёт Ассоциацияси 60-Бош ассамблеясида) томонидан қабул қилинган одамни тиббий тадқиқотларга жалб қилишнинг этик тамойилларига амал қилинган. Барча тадқиқотлар рандомизацияланган бўлиб, солиштирилаётган гуруҳлар репрезентатив бўлган, тадқиқотларни ташкил этиш ва амалга оширишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинган. Ўрганилган аниқланган аутоиммун тиреоидит (АИТ) ҳамда I-II даражадаги анемиялар якуний ташҳислари 11-мартга қайта кўриб чиқилган Касалликлар Халқаро Классификацияси (2022) асосида верификация қилинган.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида 92 нафар ҳомиладор аёллар қон зардобидидаги махсус бўлмаган резистентлик, гуморал иммунитет омиллари, цитокинлар, прокальцитонин концентрациялари ўрганилган. Улар фарзанд кўргач, эмизикли аёллар сифатида ушбу тадқиқотлар яна бир бор динамикада ўрганилган. Ушбу аёллар соғлом (n=20), АИТ (n=36) ва I-II даражали анемияли (n=36) аёлларга бўлинган.

Ўрганилганлар қон зардобидида IgA (серия А-8666), прокальцитонин (серия А-9004) «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) МЧЖ, IgM (серия К277), IgG (серия К271), IgE (серия К200) «ХЕМА» (Москва, РФ) МЧЖ, комплементнинг С3 компоненти - С3С (серия CSB-E09727s) «HCUSABIO» (Houston, TX, United States, Texas) компанияси, лактоферрин (серия E-EI-N5200) «Elabscience Human» (АҚШ) компанияси тест-тўпламлари билан иммунофермент анализ (ИФА) ёрдамида 2022 йилда чиқарилган аппаратдан (MR-96A MindrayCo.Ltd, Хитой) фойдаланиб, аниқланган. Бунда тест-тизимлар қўлланмалари асосида текширишлар амалга оширилган.

Қон зардобидидаги интерлейкин-1β (IL-1β, серия А-8766), интерлейкин-4 (IL-4, серия А-8754), интерлейкин-6 (IL-6, серия А-8768), интерлейкин-10 (IL-10, серия А-8774) концентрациялари «Вектор Бест» (Новосибирск, РФ) МЧЖ тест-тизимлардан фойдаланиб, аниқланган.

Олинган материалларни статистик ишлаш анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида амалга оширилган, бунда «Excel» дастуридан фойдаланилган. Статистик таҳлил «Pentium IV» процессори асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпамидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ туманларида муқим истиқомат қилувчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун тизими кўрсаткичлари тавсифи» деб номланган учинчи бобида ушбу контингент организми иммун статуси қиёсий тарзда аниқланган ва баҳоланган.

Охириги ўн йилликларда гуморал иммунитетга бўлган эътибор кучайиб, унинг кўплаб патологик ҳолатлар патогенезидаги ўрни кўрсатиб берилган, турли патологик ҳолатларда улар миқдорий кўрсаткичларининг диагностик ва прогностик аҳамияти борлиги исботланган.

Хужайравий иммунитетга келсак (иммун тизимининг Т- ва В-бўғини ва бошқалар), улар турли патологияларда бир хил ўзгаришларга учраб, мутлоқ ва нисбий миқдорлари орасида номувофиклик аниқланиши улар мутлоқ кўрсаткичларининг лейкоцитлар умумий сонига узвий боғланиб қолиши, хужайравий иммунитет баъзи вакиллариининг диагностик ва прогностик аҳамияти камлиги, қолаверса уларни аниқлаш кўп маблағ ва меҳнат талаб қилиши, махсус шароит бўлиши, малакали мутахассисларнинг ушбу усуллар билан ишлай олиши уларни аниқлашни қийинлаштиради, интерпретациясини мураккаблаштиради, соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилишини амалий жиҳатдан иложсиз қилиб қўяди. Юқорида келтирилганларни ҳисобга олган ҳолда ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини баҳолашга табақалаштирилган ёндошувни амалга ошириш мақсадида махсус бўлмаган резистентлик омиллари, гуморал иммунитет ва цитокин статуси параметрларини аниқлаб, натижалар таҳлил қилинган, натижалар жадваллар ва расмлар кўринишида келтирилган.

Адекват интерпретация қилиш мақсадида бемор аёллар умумий гуруҳга бирлаштирилган ҳамда соғлом аёллар кўрсаткичлари билан қиёсланган ҳолда келтирилган. Олинган натижалар шуни кўрсатганки (1-жадвал), соғлом аёлларда IgA бўйича солиштирилаётган гуруҳлар орасида амалий жиҳатдан ишонарли фарқ кузатилмаган ($P>0,05$). Шунга яқин ўзгаришлар тенденцияси IgG бўйича ҳам аниқланган ($P>0,05$).

1-жадвал

Ҳомиладорлар қон зардобидаги асосий иммуноглобулинлар миқдорий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	IgA, г/л	IgG, г/л	IgM, г/л	IgE, ХБ/мл
Соғлом ҳомиладорлар, n=20	1,76±0,07	20,35±0,18	2,10±0,08	138,82±0,89
Умумий гуруҳ, n=72	1,70±0,08↔	19,85±0,26↔	2,48±0,14*↑	162,65±0,68*↑

Эслатма: * - ҳомиладорларга нисбатан ишонарли фарқ белгиси; ↑ - ўзгаришлар йўналиши; ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас.

IgM умумий гуруҳда соғлом ҳомиладорларга нисбатан кам бўлса ҳам ишонарли даражада ошгани кузатилган ($P<0,05$). Шунга ўхшаш натижа IgE бўйича ҳам кузатилган ($P<0,05$). Агар IgM бўйича қиёсланаётган гуруҳлар орасидаги фарқ умумий гуруҳ фойдасига 1,18 мартага ошган бўлса, IgE

бўйича ошиши 1,17 марта бўлган. IgM, IgE соғлом хомиладорларда АИТ ва анемияларга (умумий гурух) нисбатан ошиш тенденциясининг борлиги организмга кўрсатилаётган антиген стимуляцияси, патологик ҳолатнинг организм иммун тизими гуморал бўғинига таъсири, иммун тизимининг зўриқиши оқибатида иммуноглобулинлар синтези ошгани билан изоҳланган. Улар бажарадиган вазифалар таҳлилига қарайдиган бўлсак, бирламчи иммун жавоб ва алергик фон ошиши кузатилгани маълум бўлган.

Эмизикли аёллар параметрлари бўйича ҳам ишонарли тафовут IgM ва IgE бўйича кузатилган, ҳар иккала кўрсаткич орасида мос равишда 1,23 ($P<0,05$) ва 2,43 ($P<0,001$) марталик тафовут кузатилгани эътиборлидир. Агар IgA ва IgG миқдорларига назар солсак, қиёсланаётган гурухлар орасида ишонарли фарқ кузатилмаган ($P>0,05$). Демак, хомиладор ва эмизикли аёллар кўрсаткичлари бўйича ишонарли тафовут йўқлиги ушбу даврларнинг улар қон зардобидаги концентрацияларига таъсири йўқлигини кўрсатган.

Махсус бўлмаган резистентлик омиллари асосан маҳаллий иммунитетни таъминлайди, антиген инвазияси ва стимуляциясига қарши биринчи ҳимоя тўсиғи бўлиши билан бир қаторда, уларнинг асосий функциялари аслида бошқа эканлигини таъкидлаш керак. Организмда ўз асосий вазифаси билан бир қаторда ҳимоя функциясини бажаришни исботлаб берилгани эътиборли ҳолатдир (Хаитов Р.М. ва ҳаммуал., 2016, Арипова Т.У. ва ҳаммуал., 2019).

Олинган натижалар кўрсатишича (2-жадвал), соғлом хомиладорларда СЗС миқдори ўртача $1,42\pm 0,04$ мкг/мл ни ташкил этган бўлса, умумий гурухда бу параметр ўртача $1,75\pm 0,08$ мкг/мл га тенг бўлиб, 1,23 мартагача ишонарли даражада ошган ($P<0,05$).

2-жадвал

Соғлом ҳамда патологик ҳолат кузатилган хомиладор аёллар махсус бўлмаган резистентлик омиллари қиёсий кўрсаткичлари

Гурухлар	СЗС, мкг/мл	Лактоферрин, мкг/мл	Прокальцитонин, нг/мл
Соғлом хомиладор, n=20	$1,42\pm 0,04$	$247,15\pm 0,88$	$0,06\pm 0,01$
Умумий гурух, n=72	$1,75\pm 0,08^*\uparrow$	$189,10\pm 0,48^*\downarrow$	$0,16\pm 0,03^*\uparrow$

Эслатма: * - соғлом хомиладорлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли фарқ белгиси; \uparrow , \downarrow - ўзгаришлар йўналишлари

Соғлом ва патологик ҳолат кузатилган (умумий гурух) хомиладор аёллар қон зардобидаги ҳар учала кўрсаткич ҳам (СЗС, лактоферрин, прокальцитонин) патология кузатилган (АИТ, турли даражадаги анемиялар) хомиладорларда соғлом хомиладорларга нисбатан ишонарли даражада ошган ($P<0,05$ - $P<0,001$). Ушбу кўпайиш СЗС бўйича 1,23 марта, лактоферрин бўйича 1,31 марта, прокальцитонин бўйича бўлса 2,67 мартани кўрсатган. Бундай ҳолат патология таъсирида иммун тизими фаолиятида зўриқиш борлиги, бактериал транслокация натижасида антиген стимуляцияси ошиши, яллиғланиш натижасида патология олди ҳолати ривожланганлиги билан изоҳланган. Шу сабабли хомиладорлар (айниқса, қишлоқ жойларида

яшайдиганлар) қон зардобида СЗС, лактоферрин ва прокальцитонин кўрсаткичларини иммунологик мониторинг сифатида доимо ўтказиб бориш тавсия этилган. Параметрларнинг ўзи эса ҳомиладорлар иммун статусини баҳоловчи табақалаштирувчи диагностик мезонлар ҳамда ҳомиладорлик кечиши якунини баҳоловчи прогностик мезонлар сифатида тавсия этилган.

Фертил ёшидаги соғлом ва турли патологиялар аниқланган ҳомиладор аёллар цитокин статуси қиёсий ўрганилган (3-жадвал).

3-жадвал

Соғлом ва умумий гуруҳга мансуб ҳомиладор аёллар цитокин статусини аниқлаш натижалари, нг/мл

Гуруҳлар	IL-1β	IL-6	IL-4	IL-10
Соғлом ҳомиладорлар, n=20	18,39±0,15	155,95±0,66	7,10±0,09	69,91±0,33
Умумий гуруҳ, n=72	23,27±0,36*↑	194,35±0,28*↑	9,98±0,26*↑	91,60±0,69*↑

Эслатма: * - соғлом ҳомиладорлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли тафовут белгиси; ↑ - ўзгаришлар йўналишлари

Соғлом ва бемор (АИТ, турли даражадаги анемиялар) ҳомиладор аёллар қон зардобидаги цитокинлар концентрациясини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатганки, 4 та цитокин ҳам патология кузатилган аёлларда соғлом ҳомиладорларга нисбатан ишонарли даражада юқори бўлган ($P < 0,05$ - $P < 0,001$). IL-1β миқдори бўйича кўпайиш 1,27 марта, IL-4 бўйича 1,40 марта, IL-6 бўйича 1,25 мартани ташкил этган бўлса, IL-10 бўйича 1,31 мартани ташкил қилган. Барча ҳолатларда статистик жиҳатдан аҳамиятли даражадаги тафовут борлиги яллиғланишга хос (IL-1β, IL-6) ва яллиғланишга қарши (IL-4, IL-10) цитокинларда бир хилда намоён бўлганини кўрсатган.

Цитокинлар миқдорий ошиши эса ўз навбатида иммунокомпетент хужайралар стимуляцияси кучайиши, иммун тизимида зўриқиш бўлиши ва яллиғланиш жараёнининг ҳали ҳам фаол фазада эканлигидан далолатдир. Цитокин статусидаги бундай аниқ тафовутлар уларни ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик кечишини мониторинг қилиш, яллиғланишга боғлиқ бўлган патология олди ҳолатларини аниқлаш бўйича қўшимча диагностик ҳамда прогностик мезонлар сифатида фойдаланиш имконини яратган.

Ишнинг кейинги босқичида эмизикли аёллар қон зардобида ҳам шу цитокинлар ўрганилган ва қиёсий баҳо берилган. Соғлом ва беморлар орасида ҳам ишонарли тафовутлар кузатилган, улар IL-1β бўйича 1,40 марта, IL-4 бўйича 1,42 марта, IL-6 бўйича 1,21 марта, IL-10 бўйича 1,36 мартани ташкил этган ($P < 0,05$ - $P < 0,001$). Ўзгаришлар тенденцияси ва интенсивлиги бўйича тафовутлар ҳомиладорлар параметрларига ўхшаш бўлган. Соғлом ва умумий гуруҳга мансуб ҳомиладорлар кўрсаткичлари соғлом ва умумий гуруҳга кирувчи эмизикли аёлларга нисбатан ишонарли даражада кам бўлгани аниқланган ($P < 0,05$). Худди шундай ҳолат умумий гуруҳга киритилган патологияли эмизикли аёлларда ҳам кузатилган.

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар цитокин статусини қиёсий ўрганиш натижасида қуйидаги жиҳатлар аниқланган:

биринчидан, соғлом ҳомиладор ва эмизикли аёллар қон зардобидаги цитокинлар концентрациялари патологик ҳолат (АИТ, турли даражадаги анемиялар) аниқланган ҳомиладор ва эмизикли аёллар шу параметрларидан ишонарли даражада паст бўлган; иккинчидан, цитокинлар миқдорининг ишонарли равишда кўпайиши IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10 ларда бир хилда намоён бўлган; учинчидан, ҳомиладор ва эмизикли аёлларда соғлом ҳамда патологияли аёллар цитокин статусидаги тафовутлар учраш тенденцияси ва интенсивлиги бир хил бўлган; тўртинчидан, соғлом эмизикли аёллар қон зардобидаги IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10 цитокинлар миқдорий кўрсаткичлари соғлом ҳомиладорлар шу кўрсаткичларига нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли пастлиги аниқланган, бу ҳолат бемор ҳомиладор ва эмизикли аёлларда ҳам намоён бўлган; бешинчидан, IL-1 β , IL-4, IL-6, IL-10 лар ҳомиладорлик кечиши мониторингида табақалаштирувчи диагностик ва прогностик мезонлар сифатида фойдаланиш учун тавсия этилган.

Диссертациянинг «Қишлоқ туманларида яшовчи ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статусини турли патологик ҳолатларда қиёсий ўрганиш натижалари» деб номланган тўртинчи бобда ҳомиладор ва эмизикли аёллар иммун статуси кўрсаткичлари келтирилган.

Аниқланишича, IgA бўйича гуруҳларао ишонарли даражадаги фарқлар аниқланмаган (5-жадвал).

5-жадвал

Турли даражадаги анемиялар, аутоиммун тиреодит ташҳисланган ҳомиладорлар қон зардобидаги иммуноглобулинлар кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Имуноглобулинлар синфлари			
	IgA, г/л	IgG, г/л	IgM, г/л	IgE, ХБ/мл
Соғлом ҳомиладорлар, n=20	1,76±0,07	20,35±0,18	2,10±0,08	138,82±0,89
Турли даражадаги анемиялар, n=36	1,73±0,09↔	19,42±0,29↔	2,86±0,13*↑	181,71±1,99*↑
АИТ, n=36	1,64±0,10↔	20,02±0,95↔	2,32±0,14↔	156,82±1,22*↑

Эслатма: * - соғлом ҳомиладорлар параметрларидан ишонарли фарқ белгиси, ↑ - ўзгаришлар йўналиши, ↔ - ишонарли фарқ мавжуд эмас.


I-II даражали анемиялар ва АИТ ташҳисланган ҳомиладор аёллар IgA, IgG ва IgM параметрлари бўйича соғлом ҳомиладорлар кўрсаткичларидан амалий жиҳатдан фарқ кузатилмаган (анемияларда IgM миқдоридан ташқари). Натижалар қиёсий таҳлили уларнинг бир биридан фарқ қилмаслиги, ўзгаришлар интенсивлигида сезиларсиз фарқ аниқланса ҳамки, тенденцияси бир хил эканлигини кўрсатган. Эътиборлиси шуки, нозологик бирликлараро тафовут кузатилмаган ($P>0,05$). Бу иммуноглобулинларнинг ушбу касалликлар патогенезидаги ўрни камлиги, шаклланган яллиғланиш жараёни йўқлиги, бирламчи ва иккиламчи иммун жавобни шакллантирадиган даражада антиген стимуляцияси йўқлиги билан изоҳланган. IgE бошқа

иммуноглобулинлардан фарқ равишда ҳар иккала ҳолатда ҳам ишонарли даражада фарқ қилгани билан ажралиб турган, бу эса аллергик фон борлигидан далолат берган.

Ўрганилган контингентда иммуноглобулинлар билан бир қаторда қон зардобидаги махсус бўлмаган резистентлик омиллари кўрсаткичлари ҳам ўрганилган. Олинган натижалар таҳлили кўрсаткичлар орасида ишонарли даражадаги тафовутлар борлигини кўрсатган ($P < 0,05$ - $P < 0,001$). Шуниси эътиборлики, кўрсаткичлар орасидаги тафовут ўрганилган асосий гуруҳлар орасида ҳам аниқланган ($P < 0,05$).

Рақамларга мурожаат қилинганда, қон зардобидаги СЗС концентрацияси соғлом ҳомиладорларда $1,42 \pm 0,04$ мкг/мл ни ташкил этгани ҳолда анемияларда ($1,68 \pm 0,12$ мкг/мл) бу кўрсаткичлар соғломларга нисбатан 1,18 мартага ($P < 0,05$), АИТ да ($2,01 \pm 0,12$ мкг/мл) 1,42 мартага ишонарли даражада кўпайган ($P < 0,05$). Лактоферрин асосий гуруҳда соғлом ҳомиладорлар кўрсаткичларига нисбатан ишонарли равишда тафовут билан намоён бўлган ($P < 0,05$). Соғлом ҳомиладорлар қон зардобида лактоферрин миқдори ўртача $247,15 \pm 0,88$ мкг/мл миқдорда аниқланган бўлса, анемияларда унинг миқдори 1,85 мартагача ишонарли тарзда пасайган - ўртача $133,33 \pm 1,74$ мкг/мл гача ($P < 0,001$). Худди шундай пасайиш тенденцияси, фақат камроқ интенсивликда АИТ да ҳам кузатилган - мос равишда ўртача $186,81 \pm 2,32$ мкг/мл гача (132 марта, $P < 0,05$). Лактоферрин концентрацияси пасайиши ҳомиладорлар организмида ривожланган патологик ҳолат билан боғланган.

Таққосланаётган асосий гуруҳлар орасида ҳам фарқ борлиги аниқланган, ушбу кўрсаткич миқдорий пасайиши анемияларда кўпроқ намоён бўлган - 1,40 мартага ($P < 0,001$). Демак, АИТ да шу параметр концентрациясига таъсир анемияларга нисбатан камроқ намоён бўлган, бу ҳолат ушбу назологик бирликлар учун ўзига хос хусусият сифатида талқин қилинган (1-расм).



1-расм. Анемиялар ва АИТ ташҳисланган ҳомиладорлар қон зардобидаги СЗС ва лактоферриннинг миқдорий кўрсаткичлари, мкг/мл

Олинган натижаларнинг айнан тескарасини СЗС миқдорини таҳлил қилганда кузатилган, унда СЗС ошиш кўрсаткичи АИТ да анемияларга

нисбатан 1,20 мартага ишонарли даражада кўп бўлган ($P < 0,05$). Кўрсаткичлар орасидаги бундай дисбаланс келтирилган 1-расмда яққол намоён бўлган, ҳамда ўзига хос хусусият сифатида талқин этилган.

